МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ЧОРШАНБА

2014 йил 17 сентябрь,
№79 (1046)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД МАНЗИЛИ

## Маъмурликдан кўнгиллар шод, қалблар мамнун

**Юртдошларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудлари янада кўркамлашаётир. Олис туманлар, қўшни давлатлар билан чегарадош қишлоқлар ҳам ўзгача қиёфа касб этмоқда.**

**Матлубахон ҚЎЛДОШЕВА, Қўрғонтепа тумани «Маъмуробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси.**

Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги «Маъмуробод» маҳалламиз ҳудуди сўнгги йилларда тубдан ўзгарди. Авваллари вилоят марказидан Қўрғонтепа туманига сафарга отланган киши йўл бўйида саф тортган симёғочлар, лойсувоқ томлар, қаровсиз ерлар, бир чети кўк гумбазига туташиб кетган поёнсиз далалар, аҳён-аҳёнда кўзга ташланадиган эски шийпонларни кўравериб зерикиб кетарди. Бугун эса Қўрғонтепа — Пахтаобод автомобиль йўли ёқасида қад ростлаган, шароити шаҳарникидан асло қолишмайдиган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар ҳудудга ўзгача файз бағишлаб турибди.

Аҳолининг турмуши ҳам йиғинимиз номига мос — маъмур. Дарҳақиқат, нуронийларнинг юз-кўзидаги дориламон кунларга шукроналик ҳисси шундан далолат. Байрам арафасида фойдаланишга топширилган чойхона нафақат отахонларимизнинг севимли маскани, айни пайтда ёшлар учун ибрат ва тарбия мактаби ҳамдир.

Замонавий ва миллий меъморчилик андозалари асосида барпо этилган йиғинимиз гузари ёнидаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари хизматидан аҳоли мамнун. Наргиза Раҳимова раҳбарлигида фаолият юритаётган «Моҳларойим» цехида 18 нафар хотин-қиз иш билан банд. Яна йигирмага яқин қиз тикувчилик сир-асрорларини ўрганмоқда.

> [2]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ




## Машғулотлар тажриба ва маҳорат мактабига айланган

**Юртимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёни маҳалла мутасаддиларидан юқори билим ва малакани талаб этади. Зотан, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, аҳолини аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, уларни касбга йўналтириш, жамоатчилик назоратини ўрнатишдек долзарб вазифалар бўйича фаолларнинг билим ҳамда малакасини ошириш Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларининг асосий мақсадидир.**

**Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»**

Жорий йилнинг февраль-июнь ойларида пойтахтимиз маҳаллаларидан 371 нафар фаол машғулотларга мунтазам қатнаб, махсус сертификатни қўлга киритди. Сентябрь-декабрь ойларида эса 400 нафар йиғин мутасаддисининг малака ошириши кўзда тутилган.

— Янги ўқув йилидан бошлаб маҳалла фаолларини мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлардан ўз вақтида хабардор этиш мақсадида республикамизнинг нуфузли матбуот нашрлари шарҳини йўлга қўйдик, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ўқув курслари раҳбари, юридик фанлари доктори, профессор Сотиболди Бобоқулов. — Ҳар куни машғулотлар бошланишидан олдин малакали мутахассислар томонидан юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир энг сўнгги янгиликлар, фуқаролар йиғинлари фаолиятига доир чоп этилган туркум мақолаларнинг мазмун-моҳияти, уларда илгари сурилган таклиф ва мулоҳазалар тингловчиларга содда, лўнда қилиб тушунтириб берилади. Бу, албатта, йиғин мутасаддиларини замон билан ҳамнафас яшашга ундайди.

> [2]

ЖАРАЁН

## Энг намунали, энг илғорлар беллашуви

**Халқимизда: «Оила тинч — юрт тинч» деган нақл бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, маҳаллалар қошидаги Яраштириш комиссияси оилалар осойишталиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлаш, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш ҳамда ёш авлодни маънан етук қилиб тарбиялашдек вазифаларни адо этиб, аҳоли турмуши барқарорлигига муносиб ҳисса қўшаётир.**

**Моҳичехра ЛАТИПОВА «Mahalla»**



Яраштириш комиссияларининг шарафли, масъулиятли фаолиятига доир ютуқлар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ўтказиб келинаётган «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали Яраштириш комиссияси» танловида яққол намоён бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 февралдаги 37-сон йиғилиш баёни билан тасдиқланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар» Дастури ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган бу танлов ҳудудий ва туман (шаҳар) босқичларидан иборат.

> [4]

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН

## Фаолият Низом ва талаб доирасида

**Гулистон тумани Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, пахта, ғалла, сабзавот, полиз маҳсулотлари энг кўп етиштириладиган туманлардан. Иқтисоди, асосан, аграр соҳага ихтисослашгани боис туман қишлоқлари ҳам бир-биридан олисда жойлашган. Шу боис ушбу ҳудудлардаги аксарият маҳаллалар жамоатчилик асосида фаолият юритар эди.**



**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ «Mahalla»**

Бу эса, табиийки, маҳаллаларни аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатишдек ваколатларини тўла намоён этишида муайян қийинчиликларни туғдиради.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун талаблари асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ Гулистон тумани ҳокимининг 2013 йил 11 июлдаги «Туман ҳудудида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган айрим маҳаллаларни тугатиш, бўлиш, қўшиб юбориш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

> [2]

ҲУҚУҚИЙ КЎМАК — ҲАР ДОИМ КЕРАК

## Тизимли тарғибот кутилган самарани бераётир



**Наманган шаҳридаги «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғинидан Нурматовлар хонадони аёллари ип-матолардан турли жияклар тикишнинг ҳадисини олишган. Айниқса, миллий тўн, чопонларга зеб берадиган бундай жимжимадор жияклар ҳунармандлар ўртасида харидоргир. Оила вакиллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун қўшимча дастгоҳ сотиб олиб, фаолиятни янада кенгайтиришни режалаштирган.**

**Илҳомжон РАҲМАТОВ «Mahalla»**

Маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган учрашув ҳунармандларнинг мақсадини янада мустаҳкамлади. Унда бир неча соҳа мутахассислари иштирок этиб, аҳолига оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш фаровонликнинг асосий омили, самарали даромад манбаи экани, бунинг учун мамлакатимизда барча имкониятлар мавжудлиги атрофлича тушунтирилди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни ҳамда соҳага оид қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумотлар берилди. Йиғин қошидаги «Маслаҳат маркази» аъзоларининг қўллаб-қувватлаши, тавсияси билан Нурматовлар ҳунармандчилик асосида оилавий бизнесни йўлга қўйди.

> [3]

МАҲАЛЛА ГУЗАРИ

## Замонавий ва кўркам бинолар

Зангиота туманидаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини янги бинога кўчиб ўтди. Йиғин идорасида фаоллар учун барча шарт-шароит яратилган.

— Юртимиз бўйлаб истиқлол шодиёналари давом этаётган айни кунларда янги бинога кўчиб ўтганимиз бизга байрам туҳфаси бўлди, — дейди маҳалла раиси Мирғиёс Усмонов. — Компьютер жамланмаси, мебель жиҳозлари ҳамда тизимга оид зарур адабиётлар билан жиҳозланган бинода ишлаш меҳнатимиз самарадорлигини ошириши шубҳасиз.

Маҳаллада ташкил этилган маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолиятидан аҳоли мамнун. Айни пайтда шу ернинг ўзида 3 нафар коллеж битирувчиси меҳнат қилмоқда.

* * *

Деновлик тадбиркор Шавкат Зокировнинг саъй-ҳаракатлари билан барпо этилган «Боғи эрам» маҳалласи гузари байрам арафасида фойдаланишга топширилди.

Тадбиркорнинг юз миллион сўмдан зиёд маблағи эвазига бунёд этилган ушбу гузар таркибидаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида айни пайтда эллик нафарга яқин йигит-қиз меҳнат билан банд.

— Истиқлол бизга улкан имкониятларни туҳфа этди, — дейди йиғин раиси Маъдихон Исоқова. — Кўркам, обод ва озод юртимизга бунёдкорлик ярашади. Мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиёналари биз учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Байрам тантаналарида янги, миллийлик ва замонавийликни ўзида мужассам этган маҳалла гузари иш бошлади.

Замонавий тарзда қурилган ва янги жиҳозлар билан таъминланган гузар маҳалла кўркига кўрк қўшиш баробарида касб-ҳунар коллежларини битирган 25 нафар ёшнинг бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлди. Гузар ҳудудида ташкил этилган чойхона кексаларнинг севимли масканига айланди.

ХИРМОНГА ҲИССА

## Даромади меҳнатига яраша

**Ўзбек пахтасининг толаси сифатлилиги билан жаҳон бозорида юқори мавқега эга. Бугун юртимизда пахтадан нафақат хомашё сифатида фойдаланилади, айни пайтда, ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.**

**Толибжон НИЗОМОВ, Нигина ШОЕВА «Mahalla»**

Ҳозир пахта далаларида жавлон уриб меҳнат қилаётган ҳар бир кишининг фикру зикри қорли-қировли кунлар бошланмасдан «оқ олтин»ни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган.

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги деҳқонларнинг далаларида етиштирилган пахта ҳосилини ўз вақтида сифатли териб олишда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ходимларининг жонбозлик кўрсатаётгани эътиборга молик. Фонд ходимларининг аҳоли ўртасида олиб бораётган тушунтириш-тарғибот ишлари натижасида пахтазорларда теримчилар сони ортмоқда.

> [3]

ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

## Муваффақият — ваколатдан тўлиқ ва тўғри фойдаланишда

**Жиззах вилояти Фориш туманидаги Учқулоч шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Фарҳод Қаюмов кўп қаватли уйларда яшайдиган аҳолининг ҳудуддаги айрим савдо дўконларида банк пластик карточкаларига савдо қилинмаётгани тўғрисидаги мурожаатини ўрганиб чиқишни Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияга топшириб тўғри йўл тутган экан.**

**Бек НАЗАР «Mahalla»**

Комиссия раиси Шавкат Умаров фаоллар билан ушбу масалани ўрганиб чиқиб, фуқаролар йиғини кенгаши муҳокамасига киритди. Ҳақиқатан ҳам шаҳарчадаги Ўктам Жонибеков ва Эльмира Узоқовага қарашли дўконларда банк терминаллари йўқлиги харидорларнинг норозилигига сабаб бўлаётган эди. Бу масала фуқаролар йиғинининг жорий йил 12 мартда ўтказилган йиғилишида муҳокама қилинди. Қисқа фурсатда ҳар иккала дўконга терминал ўрнатилиб, истеъмолчиларнинг талаблари қондирилди.

Комиссия фаолиятида фуқароларнинг мурожаатлари асосида ҳал этилган бу каби масалалар талайгина. Масалан, комиссия шаҳарчада яшовчи Наталья Нагибина, Бурҳон Каримов ва бошқаларнинг айрим кўп қаватли уйларда оқова сув тармоқларининг носозлигига оид мурожаатларини ўрганиб, муаммони ҳал этиш бўйича фуқаролар йиғинига таклиф киритди. Шаҳарчадаги «Султон Нур Омад» уй-жой мулкдорлари ширкати ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ушбу муаммога ечим топилди.

> [2]



ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

# Муваффақият — ваколатдан тўлиқ ва тўғри фойдаланишда



< [1]

— Ваколатлари доирасида фаолият юритаётган комиссия аҳолининг ишончини қозонмоқда, — дейди шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Фарҳод Қаюмов. — Шу боис фуқаролар турли масалалар бўйича комиссияга мурожаат этмоқда. Комиссия таркиби эса кўпчиликнинг ишончини оқлашга қурби етадиган кишилардан ташкил топган.

Дарқове, ушбу комиссия аъзолари аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда ҳам фаол ва ташаббускор. Хусусан, коммунал, савдо ва бошқа ташкилотларнинг хизматлари, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ердан тўғри фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини ҳам амалга оширишда фуқаролар йиғинига кўмак бераётир.

Лекин барча фуқаролар йиғинлари қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар ўз ваколатларидан тўлиқ фойдаланяпти, деб бўлмайди. Янгиқишлоқ шаҳарчасидаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғинининг ушбу комиссияси фаолияти бунга мисол бўла олади. Ваҳоланки, комиссиянинг 10 кишидан иборат таркибида жамоат ишларида тажрибага эга фаоллар бор. Жумладан, комиссия раиси Тоир Қосимов илгари фуқаролар йиғинида раис бўлиб ишлаган. Қолаверса, комиссия таркибида туман молия, давлат техника назорати ва бошқа ташкилотларда хизмат қилаётган маҳалла фаоллари, тажрибали фахрийлар борлиги мазкур комиссиянинг намунали фаолият кўрсатишига умид уйғотади.

Бироқ фуқаролар йиғини мазкур комиссия таркибидаги кадрлар салоҳиятидан унумли фойдаланмаётир. Буни комиссия ҳужжатлари сақланаётган йиғма жилдда Намунавий низом, аъзоларнинг рўйхати ва 2014 йил учун тузилган иш режадан ташқари бирорта маълумот йўқлиги ҳам исботлайди.

Тўғри, комиссиянинг иш режаси анча эътибор ва ҳафсала билан тузилган. Унда йил давомида йиғин ҳаёти, аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳаларга оид 12 та долзарб масалани ўрганиш, муҳокама қилиш белгиланган. Афсуски, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида уларнинг бирортаси кўриб чиқилгани ҳақида на йиғилиш баёни, на комиссия қарори бор. Ҳатто йиғинда фуқароларнинг мурожаатларини ҳисобга олиш китоби ҳам юритилмаган.

Албатта, ҳужжатларнинг юритилмагани, бажарилган ишлар қайд этилмаганидан комиссия фаолият кўрсатмаётир, деган хулоса чиқариш керак эмас. Комиссиянинг аксарият аъзолари зиммасидаги вазифалар юзасидан фуқаролар йиғини билан ҳамкорлик қилиб келади. Аммо йиғинда бевосита комиссия фаолияти билан боғлиқ амалга оширилган ишни кўрмадик.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олим Тошпўлатов комиссиянинг фаол ишлаётганини таъкидласа-да, гапини тасдиқлайдиган бирорта далил кўрсата олмади.

Балки раис айтгандай, комиссия фаол ишлаётгандир. Аммо режага киритилган барча тадбирларни, фуқаролар мурожаатларини оғзаки эшитиб, оғзаки қарор қабул қилиш, уларни тегишли ташкилотларга оғзаки етказиш ва ижроси ҳам бирор қоғоз тўлдирилмай, оғзаки бажариб келинаётганига ишониш қийин. Айниқса, бу ҳолат юқорида сўз юритилган Учқулоч шаҳарча фуқаролар йиғини комиссияси билан таққослаганда очиқ-ойдин кўриниб қолади.

Ҳа, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади, деган баҳона энди ярамайди. Чунки бугун фуқаролар йиғинлари ўзининг мустаҳкам ҳуқуқий асосига эга. Бу ерда хизмат қилаётган фаолларнинг ҳам ушбу ваколат ва вазифалардан самарали фойдаланишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# Машғулотлар тажриба ва маҳорат мактабига айланган

< [1]

Янги ўқув йилидан бошлаб дарс жадвалига «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг баркамол ва соғлом авлодни тарбиялаш масалаларига оид билимларини ошириш» мавзуси киритилгани туфайли машғулотлар яна 2 соатга кўпайтирилди. 38 соатлик ўқувларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти илмий ходимлари, Тошкент давлат юридик университетининг ҳуқуқшунос олимлари, иқтисодчилар, сиёсатшунослар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларидан иборат маърузачи-ўқитувчилар жалб этилди. Улар айни пайтда 4 та йўналиш бўйича машғулотлар олиб боришмоқда. Бундан ташқари, қўшимча равишда яна 30 нафардан зиёд маърузачиларнинг захира рўйхати шакллантирилди.

Тингловчиларга фуқаролар йиғинларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик алоқаларини шакллантириш борасида атрофлича маълумотлар тақдим этилаётир. Шунингдек, ўқувларга солиқ, молия, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари вакиллари, тижорат банклари мутахассислари жалб этилаётгани яхши самара бермоқда.

Ўқув курсларида яратилган шароит, машғулотларнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан қизиқарли ўтаётгани тингловчиларга манзур бўлмоқда. Ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилган сайловларда илк бор сайланган раислар тизимга оид ўрганган билимларини амалиётда қўллашмоқда. Мисол учун, ўтган ҳафта малака оширган раислар Шайхонтоҳур туманидаги «Самарқанд дарвоза» маҳалласига ташриф буюришиб, ҳужжатлар билан ишлаш, комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш, ҳар чоракда мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш каби мавзулар бўйича амалий машғулотларда қатнашдилар.



— Авваллари маҳалламиздаги фалон ўқитувчи малака оширишга кетибди, дейишса унга ҳавас қилардим, — дейди Яккасарой тумани Юнус Ражабий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жумадулла Аширматов. — Бугун фуқаролар йиғинлари мутасаддилари ҳам барча шарт-шароитга эга ўқув курсларида малака оширишяпти. Ўтган ҳафта раислар учун ташкил этилган машғулотларда қатнашдим. Тажрибали педагоглар, профессор-ўқитувчилар томонидан фуқаролар йиғинлари фаолиятига доир барча масалалар бўйича олган билимларимни амалиётда қўллашга ҳаракат қиляпман. Энг муҳими, машғулотлар ҳамкасблар ўртасида тажриба алмашиш имконини бермоқда.

Дарвоқе, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида давлат таълим муассасаси шаклида фаолият юритаётган ўқув курслари раҳбарияти янги ўқув йилида яна бир янгиликка қўл урди. Эндиликда тингловчилар ҳафтанинг ҳар пайшанба куни машғулотлардан сўнг пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалар ҳамда музейларни томоша қилиш имконига эга бўлдилар.

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН

# Фаолият Низом ва талаб доирасида

< [1]

Қарорга кўра, тумандаги А.Турдиев номидаги, Бешбулоқ, Чортоқ, Ҳумо, Сойиобод қишлоқ фуқаролар йиғинлари таркибидаги 10 та маҳалланинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида бир-бирига яқин йиғинлар бирлаштирилди. Шу орқали ҳар бир маҳалладаги оилалар сони 500 тага етказилди.

— Туманда жамоатчилик асосида фаолият юритаётган Абдуназар Турдиев номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги Фурқат номи билан аталадиган маҳаллада 159 та оила мавжудлиги сабабли таркибида 570 та оила М.Зокиров номидаги маҳаллага бирлаштирилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Гулистон тумани бўлинмаси масъул котиби Тўйчи Тўхтабеков. — Чортоқ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Исломобод» маҳалласи «Халқобод» билан бирлашиши натижасида оилалар сони 510 тага етди. Ушбу маҳалла «Исломобод» деб аталадиган бўлди.

Тумандаги Ҳумо қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Бирлашган» маҳалласи билан «Турковул» маҳаллалари бирлаштирилган бўлса, Сойиобод қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги «Янги ҳаёт» ва «Мустақиллик» маҳаллалари ҳам қўшиб юборилди.

Бешбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги «Ўзбекистон» маҳалласи қўшни «Чорвадор» маҳалласи билан бирлаштирилиб, Ғазна, Янги ҳаёт ва Бобур кўчалари «Бешбулоқ» маҳалласи ҳудудига киритилиб, «Ўзбекистон» маҳалласига айлантирилди.

Ушбу йиғинларга Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонига асосан фуқаролар йиғини раиси, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари лавозимлари жорий этилиб, уларга ойлик маош тўлаш йўлга қўйилди.

Фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган ишлар натижасида вилоятдаги фуқаролар йиғинлари сони 10 тага камайди. Айни пайтда уларнинг сони 342 тани ташкил этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролар йиғинларида амалга оширилаётган ишлар маҳаллалар равнақига, моддий-техник базаси мустаҳкамланишига, нуфузи янада ошишига хизмат қилаётир.

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД МАНЗИЛИ

# Маъмурликдан кўнгиллар шод, қалблар мамнун

< [1]

Маҳалламиз тадбиркорлари аёлларни хурсанд қиладиган яна бир хайрли ишга қўл урди: опа-сингилларимиз учун ҳудудда яқин кунларда гўзаллик салони иш бошлайди.

Обод масканларда яшаётган аҳолининг нияти пок, мақсади эса эзгулик бўларкан. Бугун йиғинимизга фуқароларнинг аксарияти ҳудудлар инфратузилмасини янада яхшилаш ташаббуси билан мурожаат қилаётир. Улар кўмагида кўчаларимиз кафтдек текис ва равон бўляпти. Биргина мисол. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Обод ҳаёт кўчасини таъмирлашда, Водий гавҳари ҳамда Ал-Хоразмий кўчаларига асфальт ётқизишда аҳолининг кўмаги қўл келди. Саховетпеша тадбиркор Қаҳрамон Қобилов ҳомийлигида амалга оширилган хайрли ишлар туфайли бугун аҳолимизнинг узоғи яқин, оғири енгил. Мустақиллик шодиёналари арафасида Мустақиллик кўчасига 1,5 километр ичимлик суви қувури тортилди.

Албатта, туман ҳокими ҳамда мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари тингланаётгани ҳам маҳалламизнинг янада обод бўлишида яхши самара беряпти. Мисол учун, жорий ўқув йили бошланиши арафасида туман халқ таълими муассасалари фаолиятини услубий таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Рустамжон Каримов билан ҳудуддаги 10-умумтаълим мактабида учрашув уюштирилди.

Унда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтириш бўйича йиғинимиз аҳлига аниқ таклиф ва тавсиялар бердик. Чунончи, йиғилишда дарсларга мунтазам қатнамаётган ўқувчиларнинг ота-оналари огоҳлантирилди, бу ҳолат такрор содир этилса, оила бошлиқларига маъмурий чора кўрилиши таъкидланди.

Туманимиз раҳбари жорий йилнинг ўтган даври мобайнида йиғинимизда 5 марта аҳоли билан учрашув ўтказди. Охирги йиғилишда пахта йиғим-теримига аҳолини кенг жалб этиш масаласи ўртага ташланди. Мулоқотларда фаол иштирок этган Қўрғонтепа қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги 12 та маҳалла фаоллари, шу жумладан, биз ҳам пахта мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳақида фикр-мулоҳазаларимизни билдирдик.

Халқ таълими соҳасида узоқ йиллар хизмат қилиб орттирган тажрибамни бугун маҳаллада қўллаяпман. Йиғин қошидаги барча комиссиялар, хусусан, Маърифат ва маънавият, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар аъзолари, «Ота-оналар университети» фаоллари билан ҳар ҳафта йиғилиш ўтказамиз. Уларда, аввало, ўқувчи-ёшларнинг ахлоқ-одоби, давомати, фанларни ўзлаштириши муҳокама қилинади.

Маҳалламиз ёшлари уч босқичли спорт мусобақаларининг дастлабки бўғини, яъни «Умид ниҳоллари»да ҳар йили фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Шунингдек, сўнгги йилларда йиғинимиз жамоаси «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танловида муносиб ўринларга сазовор бўляпти. Муҳими, ҳудудимизда жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб улғаяётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Мухтасар айтганда, чекка бир қишлоқда яшаб, юрт корига камарбаста бўлишдек шарафли вазифани баҳоли қудрат уддалаб келаётганимдан мамнунман. Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик байрами арафасида муҳтарам Юртбошимизнинг фармонига биноан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирландим. Бундан кейинги фаолиятимда Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигига ҳисса қўшиб, юксак эътиборга муносиб бўлишга интилавераман.

ФОНД КЎМАГИДА

# Келажакка сарфланган сармоя

**Маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ҳамда аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя марказига айлантириш — фуқаролик жамиятини ривожлантириш шартларидан бири. Шу муносабат билан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тузилмалари бундай долзарб вазифаларни амалга оширишда фуқаролар йиғинларига ҳар жиҳатдан кўмаклашиб келаётир.**



**Д.РАМАЗОНОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Янгибозор тумани бўлинмаси раиси.**

Фонднинг Хоразм вилояти Янгибозор тумани бўлинмасида, айниқса, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга жиддий эътибор қаратилаётир. Жорий йилда «Шоирлар» маҳалласида рўйхатга олинган 19 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Халқимизда йиқилганни суяш, қийналганларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш эзгу анъанага айланган. Ушбу хайрли амаллар Президентимиз ташаббуси билан йилдан-йилга кенг тус олаётгани, эҳтиёжмандларни нафақат моддий рағбатлантириш, балки уларнинг имкониятларига йўл очишга аҳамият берилаётгани боис бундай оилалар сони тобора қисқариб бораётир.

Чунончи, «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида «Очақалъа», «Мингбоғолон», «Тозалурман», «Янгиёп» ҳамда 1-сонли маҳаллалардаги беш нафар кам таъминланган оила фарзандлари тўйлари учун зарур маблағ ажратилди.

Ижтимоий ҳимоялашда, аввало, келажагимиз эгаларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларнинг интилиш ва изланишларига туртки бериш ҳар жиҳатдан фойдалидир. Бўлинмамиз ижтимоий шериклик асосида ёшлар учун турли мусобақа, кўрик-танловлар уюштирмоқда. Жумладан, маҳаллаларимизда униб-ўсаётган республика ёш курашчилари совриндорларининг 10 нафарига 400 минг сўмдан зиёд совғалар тарқатилди. Ҳудудимиздаги 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкиллаштирилган шахмат-шашка мусобақасининг 4 нафар ғолибига ҳам қимматбаҳо совғалар улашилди.

Таълим-тарбияга, хусусан, ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун сарфланган сармоя самара бериши ҳаётий ҳақиқат. Шу боис ёш авлоднинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни фойдали машғулотларга йўналтириш ишлари диққат марказимизда. Туманимиз спорт тўгараклари қатнашчиларига 1 млн. 200 минг сўмлик спорт анжомлари олиб берганимиз болалар учун қувонч ҳадя этди.

Бўлинма фаолиятида фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ушбу мақсадлар учун ажратилган 22 млн. сўмлик маблағга «Боғолон», 3-сон, «Қоратепа», «Наврёп» маҳаллаларига компьютер жамланмаси олиб берилди. Бундан ташқари, 8 та фуқаролар йиғини мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Бўлинма фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, бажараётган ишларимиз халқ фаровонлиги, юрт ободлиги, фарзандларимизнинг порлоқ келажагига ҳисса қўшаётгани бизни қувонтиради.

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

# Аҳиллик эзгу мақсад рўёбига қанотдир

**Аҳоли турмушини фаровонлаштириш йўлида амалга оширилган хайрли ишларни муносиб рағбатлантириш келгусидаги муваффақиятларга омил бўлади. Зеро, эътибор ҳар доим эзгу ишларга қанот бағишлайди.**

**Бахтиёр ШАМСИДДИНОВ, Шайхонтоҳур тумани «Шофайзи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови соҳа ходимларини фаолликка, ўз устида ишлашга ундамоқда. Танловнинг республика босқичида фахрли учинчи ўринни эгаллаганимиз зиммамизга катта масъулият юклайди.

Назаримда, маҳаллани «энг намунали»га айлантириш — аҳолининг ишончини қозониш, тадбиркорлар билан самарали ҳамкорлик ўрнатишдан бошланади. Йиғинимиз аҳолисининг аксарияти хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик билан шуғулланади. 50 тага яқин катта-кичик корхонанинг фаолият юритаётгани хонадонлардаги тўкинликни таъминламоқда. Оилалар турмуш шароитининг яхшилиги туфайли маҳалла ва аҳоли маблағларидан фойдаланиб, ҳудудимизда кенг кўламли ободонлаштириш ишларини амалга оширдик.

Бунёдкорликдан ташқари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам режали ишларни амалга оширяпмиз. Хусусан, эҳтиёжманд оилаларнинг 2 ёшли фарзандларига ҳисоб рақамлар очилган. Унга юз минг сўм миқдордаги пул маблағи қўйилади ва ҳисоб эгаси 18 ёшга тўлганида ушбу маблағ унга билим ва малакасини ошириш ёки кичик бизнесини йўлга қўйиши учун берилади.

Аҳолининг аҳил-иноқлигини таъминлашда йиғин қошидаги Яраштириш комиссияси аъзоларининг хизмати катта. Ҳудудда икки йилдан буён оилавий ажрим ҳолати рўй бергани йўқ. Тўғри, баъзан хонадонларда ўзаро низолар, келишмовчиликлар учрайди. Комиссия аъзолари билан бирга бу оилаларни муросага келтирамиз. Шунингдек, эрта турмушнинг олдини олиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, тўйдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти бўйича аҳоли ўртасида тарғибот тадбирларини ўтказишга эътибор қаратяпмиз.

«Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови шартларида фуқаролар йиғинида ҳужжатлар билан ишлаш тизими, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, фуқароларни хайрли ишларга жалб этиш эътиборга олинган.

Бизда талаб даражасидаги иш тизими қарор топди десам, муболаға бўлмайди. Аввало, фуқаролар йиғинининг ҳар бир ходими ўз вазифасини яхши билади. Масъул котиб Назокат Раҳматуллаева, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Насиба Иноятова, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори Абдуқодир Маликовнинг иш юритиши билан танишган ҳамкасбларимиз ҳам буни эътироф этишди.

Маҳалламизнинг меҳмондўст, меҳнаткаш, аҳилликнинг қадрига етадиган инсонлари билан суҳбат қурсангиз, албатта, кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Зотан, маҳаллада аҳиллик қарор топса, эзгу мақсадлар рўёбга чиқиши тайин.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# Мақсад муштарак, ташаббус хайрли

**Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманидаги Канли овул фуқаролар йиғинида маҳаллани оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш марказига айлантириш ва шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш шароитини юксалтириш мақсадида самарали ишлар амалга оширилаётир.**



**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ**
**«Mahalla»**

Йиғиннинг Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси иши яхши йўлга қўйилгани туфайли ҳудудда ишбилармонлар сафи кенгаймоқда. Овулдаги «Элдар-АЖК» фермер хўжалиги раҳбари Ортиқбой Камолов раислик қилаётган мазкур комиссия аъзолари кўмаги билан бугун 20 нафарга яқин тадбиркор фаолият юритиб келмоқда. Жорий йилда оилавий бизнесини бошламоқчи бўлган 3 нафар фуқарога кредит олиш, ер ажратиш каби масалаларда тегишли маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилди.

Хусусан, Кўклен Иброҳимов, Собир Дузелов ҳамда Тўхтасин Жуманиязов боғдорчилик билан шуғулланиб, айни пайтда туман бозорини арзон ва сифатли мевалар билан таъминламоқда. Ғанибой Матниёзов хонадони асаларичиликни йўлга қўйиб, оила аъзоларини меҳнатга жалб қилди.

Ҳудудда ёшларни ҳунарга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлашда уста-ҳунармандларнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис йиғин фаоллари ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиб келишаётир.

Сулаймон Суюндиқов, Рашид Хўжабоев сингари ҳунармандлар йиғин кўмагида устахона ташкил этиб, аҳолига замонавий эшик-ром, дарвоза ҳамда хўжалик дастгоҳларини тайёрлаб беришяпти. Қолаверса, ёшларга, айниқса, ҳудуддаги кам таъминланган оила фарзандларига ҳунар ўргатишмоқда. Яқинда Руслан Хўжабоев яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, ҳунармандчилик устахонасини очиб, овулнинг 3 нафар ёшини ишли қилди.

Яна бир ҳунарманд — Бахтберген Кўптилиев «Маслаҳат маркази» кўмагида мебель ишлаб чиқариш цехини ишга тушириб, оила аъзоларидан ташқари яна 3 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчисини меҳнатга жалб этди.

— Йиғинимиз қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзолари ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида мурожаат қилганларга имкон қадар ёрдам бериб келмоқда, — дейди Канли овул фуқаролар йиғини раисаси Зулайҳо Сайдуллаева. — Қолаверса, «Маслаҳат маркази»да бўлажак ишбилармонлар учун қисқа муддатли курслар уюштирилиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатилмоқда, бизнес-режа тузиш, кредит олиш масаласида маслаҳатлар берилмоқда, соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилмоқда.

Айниқса, хотин-қизларнинг бу борадаги ташаббускорлиги қувонарли, албатта. Яқинда Нилуфар Рўзимова банкнинг имтиёзли кредити эвазига чорвачиликни йўлга қўйди. Шукуржон Ҳакимова паррандачилик тармоғида ўзини синаб кўраётган бўлса, Зулайҳо Мусаева келинлари ва невараларири ёрдамида тикувчилик цехини очди. Айни пайтда у ерда ўн нафарга яқин овул қизи меҳнат қилмоқда.

ҲУНАРДАН УНАР

# Ҳайрат ва ҳавасни уйғотган асар

**Ҳунармандчилик ҳақида гап кетганда кандакорлик санъати қадимийлиги ва бетакрорлиги билан бошқаларидан ажралиб туришини эътироф этиш жоиз. Қадимдан металл-буюмларга нақш солиш ва турли хил тасвирлар тушириш бўйича Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз ва Тошкент шаҳарларида кандакорлик мактаблари шаклланган. Бугунги кунда мазкур ҳунар эгаларининг авлодлари ва шогирдлари ушбу санъат турини дунёга кўз-кўз қилишаётир.**

**Расул КАМОЛ**
**«Mahalla»**

Фарғона шаҳридаги «20-Гулистон» маҳалласидан Зокиржон Ғофуров яратган кандакорлик буюмлари рангбаранг нақшлари, ўзига хос жозибаси билан эътиборни тортади. Уларни ҳақиқий санъат асари дейиш мумкин. Устанинг кандакор сифатида камол топиб, элга танилишида Марғилон кандакорлари сулоласининг вакили Махситилла Мадалиевнинг хизмати катта бўлди.

Зокиржон Ғофуров дастлаб Фарғона шаҳридаги болалар техника ижодиёти марказидаги кандакорлик тўгарагида ушбу ҳунар сирларини қунт билан ўрганди. Фарзандининг бу ҳунарга қизиқиши ва интилишини кузатиб юрганлар уни рассомчилик билим юртига ўқишга беришди. Ёш кандакор «Уста» ишлаб чиқариш бирлашмасида шогирд бўлиб юрди. Кейинчалик Тошкент театр ва рассомчилик институтининг санъатшунослик бўлимини битириб, мустақил фаолият бошлади.

Истиқлол даврида кандакор фаолияти ютуқларга бой бўлди. У Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловларининг вилоят ва республика босқичларида фахрли ўринларни қўлга киритди. Шунингдек, Германияда бўлиб ўтган «Ўзбекистон санъати ва маданияти» кунлари доирасидаги кўргазмада унинг ижод намуналари намойиш этилди.

— Катта ютуқларга эришиб, эл орасида ҳурмат-эътибор қозонишимда мамлакатимизда ҳунармандларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароит ва имкониятлар, қолаверса, маҳалладошларимнинг қўллаб-қувватлашлари муҳим омил бўлмоқда, — дейди З.Ғофуров. — Айниқса, маҳалламизда ҳунармандчиликни ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани туфайли ҳунармандлар, оилавий тадбиркорлар сафи кенгаймоқда. Оиламиз билан йиғин фаоллари кўмагида устахона ташкил этиб, буюртма асосида кандакорлик буюмлари тайёрлашни йўлга қўйдик. Харидорларимизнинг кўпчилиги хорижий сайёҳлар.

Устанинг айтишича, оила аъзолари ҳам бу ҳунар сирларини яхши эгаллагани боис унга яқиндан ёрдам беришади. Уй бекаси Муҳайё Ғофурова асли касби ўқитувчи бўлса-да, бўш вақтида ўн нафарга яқин ёшга ҳунар ўргатаётир. Шифокор бўлиш орзусидаги ёш Фирдавс ота касбини улуғлаб, кандакорликдаги мустақил ишлари учун 2010 йилда «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали лауреанти бўлди.

Айни кунда З.Ғофуров бошчилигидаги оилавий ҳунармандларнинг санъат асарлари Қозоғистон, Россия, Англия, Франция сингари давлат музейларида сақланмоқда, кўплаб халқаро кўргазмалардан муносиб ўрин эгалламоқда.



«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ» ҲАМКОРЛИГИ

# Ўқувчилар тадбиркорлик борасида баҳс бойлашди

**Оилалар фаровонлигини таъминлаш ва фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий, моддий аҳволини яхшилашда маҳаллаларда тадбиркорлик йўналишларини ташкил этишнинг аҳамияти катта.**

**Шоира ИСКАНДАРОВА,**
**Мирзо Улуғбек туманидаги 248-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.**

Бунда аҳоли, айниқса, ёшларда ишбилармонлик кўникмасини шакллантириш, уларни мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун яратилган шарт-шароитлар ва ҳуқуқий базадан хабардор этиш муҳим омиллардан.

Шу муносабат билан пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 248-умумтаълим мактаби ҳамда «Уйғониш» маҳалла фуқаролар йиғини томонидан «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида тадбир ташкиллаштирилди. Асосан, ўқувчиларнинг тадбиркорлик ҳақидаги билимларини кенгайтириш, иқтисодий саводхонлигини ошириш ҳамда уларни тежамкорликка ўргатишни кўзлаган мазкур анжуман география ва иқтисодиёт фан ойлиги доирасида ўтказилди.

Зоҳида Исмоилова раҳбарлик қилаётган таълим муассасасининг 9-синф ўқувчилари ўзаро мусобақалашган тезкор савол-жавобларда ишлаб чиқариш, тижорат, воситачилик ва суғуртага оид билимларини, ота-оналари ва маҳалла фаоллари ҳузурида бизнес-режа тузиш, унинг шартлари, нималарга эътибор қаратиш зарурлигини намойиш этишди.

Айниқса, «Сиз солиқ тўлаш қоидаларини биласизми?» мавзусидаги саҳна кўринишини намойиш этган ўқувчи-ёшларнинг Ўзбекистон Солиқ кодексига оид билим ва кўникмалари, саҳна маданиятига мос ҳаракатлари барчани хушнуд этди.

Таъкидлаш жоизки, бундай тадбирларнинг мунтазам уюштирилиши эртамиз эгаларининг пухта билим олишларига кўмаклашади, уларда тадбиркорлик қобилиятини тарбиялайди. Ҳудудда ишбилармонларнинг кўпайиши эса, нафақат маҳалла, балки мамлакат иқтисодий ривожига хизмат қилади. Шу боис «Уйғониш» маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссия аъзоси Ҳилола Саъдуллаева, Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзоси Ойша Давлатова иқтисод фанига тааллуқли тадбирларимизнинг самарадорлигини оширишда бизга кўмаклашиб келаётир.

Фан ойлиги давом этмоқда. Ўқувчиларга иқтисодий билим асослари ва география фанларини янада чуқурроқ ўқитиш, уларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида режалаштирилган тадбирларимиз ҳар бир синф доирасида қизғин руҳда ўтаётир.




ҲУҚУҚИЙ КЎМАК — ҲАР ДОИМ КЕРАК

# Тизимли тарғибот кутилган самарани бераётир

< [1]

— Ҳозир маҳалламизда 10 нафарга яқин оилавий тадбиркор фаолият кўрсатмоқда, — дейди йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъноxон Аббосова. — Хусусан, Муҳаммадали Мамадалиевнинг оила аъзолари томонидан «Амир» савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган пойабзал, Руҳиддин Исоқовнинг ўз фарзандлари, жиянлари ҳамкорлигида тикаётган замонавий костюм-шимлари нафақат Наманган шаҳрида, балки вилоятда ҳам харидоргир. Бу каби оилавий тадбиркорлар сафини кенгайтиришда аҳолини янги қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатларидан вақтида хабардор қилиб бораётганимиз яхши самара бермоқда.

Дарҳақиқат, бугун вилоятда аҳолининг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, уларни янги қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлардан хабардор қилиб бориш тизимли йўлга қўйилган. Айниқса, тадбиркорликни янада ривожлантириш, маиший хизмат ва сервис соҳасини такомиллаштириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Айни вақтда қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари, хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Ҳунарманд» уюшмаси мутахассислари, ҳуқуқшунос ва тадбиркор-ишбилармонлардан иборат тарғибот гуруҳи шаҳар ва туманларда бўлиб, мазкур йўналишдаги мавзуларда аҳоли билан мулоқот олиб бораётир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бош мутахассиси Дилором Зоҳидова. — Уларда бошловчи тадбиркорларга яратилган шароитлар, имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот беріляпти. Натижада мавжуд имконият ва қулайликлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнес лойиҳаларини амалиётга татбиқ этаётган, ишлаб чиқаришда янги босқичларга кўтарилаётган юртдошларимиз сафи кенгаймоқда. Уларнинг аксарияти аёллар, уй бекалари экани қувонарлидир.

Яқинда Норин тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ўтказилган тадбир ҳам «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун тарғиботига бағишланди. Унда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги уй бекаларига тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда «Устоз-шогирд» йўналишини янада оммалаштириш ҳақида сўз борди. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят «Ҳунарманд» ҳамда «Тадбиркор аёл» уюшмалари, Наманган давлат университети ҳамда қатор манфаатдор ташкилотлар мутасаддилари муҳокама этилаётган мавзу ҳақида батафсил маъруза қилдилар.

Умуман, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят маҳаллаларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тўрт мингдан зиёд учрашув, мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказилди. Бу каби тадбирларнинг фуқаролар йиғинлари кўмагида, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда аниқ режа асосида ташкил этилаётгани, айниқса, кутилган самарани бермоқда.

ХИРМОНГА ҲИССА

# Даромади меҳнатига яраша

< [1]

Фонд ходимлари ишни, аввало, уйда ўтирган, меҳнатга лаёқатли фуқароларнинг рўйхатини шакллантиришдан бошлади. Бу жараёнда, албатта, маҳалла фаолларининг кўмагига таянилди. Чунки йиғин мутасаддиларининг саъй-ҳаракатлари билан ҳар куни илғор теримчилар сафи кенгайиб, уларнинг ёнига уй бекалари ҳам қўшилмоқда.

Тумандаги «Дилноза-Жасмина» фермер хўжалигига бириктирилган «Зарбдор» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Тожихол Қулматова аҳолини пахта теримига жалб этишнинг йўл-йўриғини яхши билади. Унинг айтишича, рўзғор тўкислиги, аввало, оиланинг даромадига боғлиқ. Шу боис фуқароларни теримга чорлашда бир килограмм пахта учун берилаётган ҳақ миқдорини айтишнинг ўзи кифоя. Шунда бир кунда 100 кг. пахта терган киши мавсум давомида қанча пул ишлаб олиши ўз-ўзидан аён бўлади.

Маслаҳатчининг тажрибаси фермерларга ҳам қўл келяпти. 70 нафардан зиёд хотин-қиз кунига 90-100 килограммдан зиёд ҳосил термоқда. Натижада фермер хўжалиги ҳар куни давлатга 5-6 тонна пахта топширмоқда.

— Маҳалламиз аёллари уйда бекор ўтиргандан кўра пахта теришни афзал билишади, — дейди Т.Қулматова. — О.Назарова, Х.Хўжақулова, Н.Жумаева, М.Примқулова ва К.Шаймардонова сингари опа-сингилларимиз жонбозлик кўрсатиб, кунига 100-120 кг.дан пахта термоқда. Улар меҳнатларига яраша ҳар уч ва беш кунда 260-270 минг сўмдан ҳақ олишяпти. Бундан ташқари, илғор теримчиларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан 300 минг сўмлик совғалар тарқатиляпти. Ҳудудимиздаги бешта фермер хўжалиги ўз теримчиларидан ташқари аҳоли ёрдамида далалардаги пахталарни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олмоқда.

Пахта йиғим-терими мавсуми бошлангандан буён «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан илғор теримчиларга 6 миллион сўмлик совғалар топширилди. Таъкидлаш жоизки, алоҳида ўрнак кўрсатган теримчилар учун мавсум давомида 50 миллион сўмликдан зиёд совғалар улашиш кўзда тутилган.

Тумандаги Тўрахон Каримов раислик қилаётган «Оқтумшуқ» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳам мавсумда ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Ҳудуддаги «Соат Абдуалим» фермер хўжалигида ишлаётган фуқаролар, хусусан, Ҳ.Бегматова, М.Чориева, З.Қудратова, Д.Дўстмуродова, О.Мамадраҳимова, М.Омонова сингари меҳнаткашлар кунига 80-90 килограммдан пахта териб, хирмоннинг юксалишига муносиб улуш қўшаётир.

104,5 гектар ерга чигитнинг «денов» ҳамда «суғдиёна» навини қадаган фермер ҳар йилгидек давлат режасини ортиғи билан бажаришни мақсад қилган. Бу борада у, албатта, маҳалла фаолларининг кўмагига таянади.

СОЛИҚ

# Имтиёз — изланиш ва интилиш имконияти

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланаётгани, бу соҳаларда фаолият юритаётганлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани туфайли ишлаб чиқариш корхоналари сафи тобора кенгайиб, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш ҳажми йилдан-йилга ортаётир.**

**Баҳодир ФАЙЗИЕВ,**
**Бухоро вилояти Давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси.**

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрсида»ги қарорига мувофиқ, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга 2016 йил 1 январгача бўлган даврда солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари берилгани кўпгина корхоналарга қулайликлар туғдирмоқда.

Хусусан, Бухоро вилояти Вобкент туманидаги «Таноб» маҳалласи ҳудудида фаолият юритаётган «Buxoro-Bahor» масъулияти чекланган жамияти мазкур қарорга асосан ягона солиқ тўлови ҳамда мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилгани боис ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириб бормоқда.

— Корхонамиз кир ювиш кукуни ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди жамият раҳбари Жамшид Муродов. — Ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида берилаётган солиқ имтиёзлари бизга қўл келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида Юртбошимизнинг тегишли қарорига мувофиқ ягона солиқ тўловидан имтиёз берилиши натижасида 329,0 млн. сўм маблағ корхонамиз ихтиёрида қолди. Тежалган маблағ ҳисобига маҳсулотни қадоқлайдиган ускуна харид қилдик. Қувонарлиси, дастгоҳлар ёрдамида иш самарадорлиги янада ошиб, маҳалладаги яна 5 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчисининг бандлигини таъминладик. Айни пайтда бу ерда ҳудудимизнинг 80 нафарга яқин аҳолиси меҳнат қиляпти.

Қайд этиш жоизки, ушбу қарор асосида вилоят бўйича ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 26 та шундай корхона жорий йилнинг январь-июнь ойлари якунида 1288,0 млн. сўмлик солиқ имтиёзларидан фойдаланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ҳамда ҳукуматимизнинг тегишли қарорларига биноан 2014 йил ярим йиллигида рўйхатга олинган 2980 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти эгалари жами 13670,4 млн. сўмлик солиқ имтиёзларига эга бўлди.

Ўз навбатида, ушбу корхоналар солиқдан бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, маҳсулот турини кўпайтиришга ва уларнинг сифатини яхшилашга, шунингдек, ишлаб чиқариш ускуналарини модернизация қилишга сарфлашмоқда. Бу эса меҳнатни ташкил этишда илғор иш услубларини қўллаш, ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни саноатга кенг жорий этиш, ишчи-хизматчиларни муносиб рағбатлантиришга имконият яратаётир.

ЖАРАЁН

# Энг намунали, энг илғорлар беллашуви

< [1]

Булунғур туманида ўтказилган танловда 53 та маҳалла фуқаролар йиғини фаол қатнашди. Улардан сараланган 8 та жамоа кейинги босқичда баҳслашишди. Иштирокчилар ҳужжатларини кўриб чиқиш, уларнинг фаолияти билан яқиндан танишиш, таҳлил қилиш, овоз бериш орқали баҳолаш учун ҳакамлар ҳайъати тузилди.

Биринчи шартда Яраштириш комиссиясини ташкил этиш тўғрисида фуқаролар йиғинининг қарори, комиссия аъзолари ўртасида белгиланган вазифалар ижроси, аҳоли турмушини яхшилаш борасида иштирокчилар томонидан амалга оширилган ишлар ҳисоботи ўтказилди.

— Танлов комиссия аъзолари ўртасида тажриба алмашиш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда, — дейди Фонднинг Булунғур тумани бўлинмаси раиси Алишер Шодмонов. — Айрим жамоалар фаолиятини яқиндан ўрганиш мақсадида маҳаллага бориб, у ерда истиқомат қилаётган аҳоли, хусусан, ёш келин-куёвлар, оила қуриш бўсағасидаги ўсмирлар иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди. Ғолибларни аниқлашда комиссия аъзоларининг намунали оилалар, уларда фарзанд тарбияси, оила аъзолари ўртасидаги ибратга арзигулик муносабатларни оммалаштириш ҳамда нотинч оилаларни яраштириш ишларидаги фаоллигига алоҳида эътибор қаратилди.

Танловнинг қизиқарли ўтишида комиссия аъзолари таркибининг ҳам аҳамияти катта. Зотан, ўз маҳалласи шаъни учун беллашаётган иштирокчилар орасида йиғин фаоллари билан бир қаторда профилактика инспекторлари, таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, қишлоқ врачлик пунктлари ходимлари, имом-хатиблар, нуроний отахон, онахонлар ҳам бор. Оилавий низолар, ёшлар тарбиясига эътиборсизлик ҳолатлари, айримларнинг ичкиликбозликка берилиши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда комиссиянинг бундай таркиби қулайлик туғдирмоқда. Айниқса, йигит-қизларни турмушга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлаш, уларда ҳаётга масъулият ҳиссини уйғотиш, никоҳ мажбуриятлари мавзусида тадбирлар ўтказишда шифокорлар кўмаги катта.

Иштирокчиларнинг барчаси танловга пухта ҳозирлик кўргани боис ғолибларни аниқлаш мураккаб кечди. «Ўроқли» маҳалласи ҳузуридаги комиссияда амалга оширилаётган ишлар салмоғи, эришилаётган натижалар ҳайъат эътиборига тушди.

Танлов якунига кўра, 1-ўрин «Ўроқли», 2-ўрин «Ғўбдин» ва 3-ўрин «Меҳтар» маҳалласи жамоасига насиб этди. Ғолиб ва иштирокчилар Фонднинг ҳудудий бўлим ва бўлинмасининг диплом, эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

ҚУЛАЙЛИК

## Болалар беҳад хушнуд

**Жорий йилда Поп тумани маҳаллаларида 20 дан зиёд стадион, болалар майдончалари ишга туширилиши режалаштирилган. Яқинда «Халқаобод-3» маҳалласида бунёд этилган стадион маҳалла ёшларини беҳад хушнуд этди.**

**И. РАҲМАТОВ**
**«Mahalla»**

— Ҳудудимиздаги фойдаланилмаётган бўш майдон текисланиб, стадионга айлантирилди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собиржон Бобоназаров. — Бу иш фаолларимиз ташаббуси, тадбиркорларимиз кўмагида амалга оширилди. Маҳалла аҳли хайрли ишга беминнат ҳисса қўшган Муҳаммаджон Тўрақулов ва Яшнаржон Абдукаримовдан миннатдор.

Янги стадионда спортнинг мини футбол, волейбол турлари билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган. Эндиликда маҳалла ўқувчиларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун спорт тўгараклари тузиш режалаштирилган. Стадион теварагида болажонлар учун аттракционлар ҳам ўрнатилади.

Донолар бисотидан

## *Айб эрурким, аҳли дониш...*

Тухм ерга кириб, чечак бўлди,
Қурт жондин кечиб, ипак бўлди.
Лола тухмича ғайратинг йўқму?!
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?!

* * *

Айб эрурким, аҳли дониш қилса нодон бирла баҳс.

* * *

Бўлуб нафсингға тобеъ, банд
этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман,
қила олсанг ани қил банд.

* * *

Қайси жоҳилға надомат бўлғай ул олимчаким,
Ҳар не билди, қилмади, ҳар неки қилди, билмади.

* * *

Истасанг душманинг ўлғай санга дўст,
Кирмагил дўст била душман аро.

* * *

Чунки тамаъ бўлди гадолар иши,
Билки, гадодур тамаъ этган киши.

**Алишер НАВОИЙ.**

«ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ»

# Танлов қизғин паллада

**Ота-оналарни бола тарбияси илмидан хабардор қилиб, бу соҳага оид билимларини бойитиб, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда йиғинлар қошидаги «Ота-оналар университети»нинг ўрни беқиёс.**





**Наргис АЗАМАТОВА,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви етакчи мутахассиси.**

Шу боис уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, оилада психологик муҳит барқарорлигини таъминлаш, айниқса, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан «Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги энг намунали «Ота-оналар университети» танлови ўтказилмоқда.

Танловнинг биринчи шартига кўра, иштирокчилар тақдим этган ҳужжатлар 10 та йўналиш бўйича кўриб чиқилиб баҳоланади. Иккинчи шарт бўйича «Ота-оналар университетлари» ўз фаолиятлари доирасида намунали иш тажрибаларини машғулотлар орқали кўрсатиб беришади.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги танловда 52 та жамоа қатнашди. Илк босқичда ғолибликни қўлга киритган «Облиқ», «Обод», «Чинниобод», «Чотқол» ва «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги «Ота-оналар университети» аъзолари жойларда олиб борилаётган машғулотлар жараёнини саҳна кўриниши орқали намойиш этишди. Танлов якунига кўра, «Чинниобод» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги жамоа биринчи, «Чотқол» маҳалласи иккинчи ва «Янги ҳаёт» маҳалласи учинчи ўринга муносиб топилди.

— Кўрик-танлов самарали фаолият кўрсатиб келаётган «Ота-оналар университетлари»ни аниқлаш ва тажрибаларини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Фонднинг Ангрен шаҳар бўлинмаси бош мутахассиси Холбуниса Эргашева. — Жумладан, «Чинниобод» маҳалласи жамоаси томонидан оила психологиясига бағишланган, ҳаётий мисолларга бой саҳна кўринишлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Худди шундай танловлар Жиззах вилоятида ҳам уюштирилмоқда. Жиззах туманида 10 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини ўртасидаги баҳсларда биринчи ўрин «Қаҳрамон», иккинчи ўрин «Қўшкўпир» ва учинчи ўрин «Жиззахлик» маҳалласининг «Ота-оналар университетлари» аъзоларига насиб этди. Зомин тумани босқичида эса «Бирлик», «Тўрттом» маҳаллалари ва Оби ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғини қошида тузилган жамоатчилик масканлари 1-,2-,3-ўринларни қўлга киритди.

Айни пайтда мазкур танлов республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида давом этмоқда.

САХОВАТ

# Рўзғор юмушлари енгиллашади

**«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Мирзачўл туманидаги эҳтиёжманд оилалар соҳибаларига электр маиший техника жиҳозлари тарқатилди. Туман ҳокимлиги «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси билан биргаликда шакллантирган рўйхат асосида тарқатилган совғалар хонадон бекаларининг уй-рўзғор юмушларини енгиллатишга хизмат қилади.**

**Мухбиримиз.**



«Мустақиллик» ва «Дўстлик» маҳалласи, Мирзадала шаҳарчаси, Янгидала, Ипак йўли қишлоқ фуқаролар йиғинидаги шундай оилаларга электр печ ҳадя қилинди. Бу жиҳозлар оилалар дастурхонининг турли пишириқлар билан тўкинлашувига омил бўлди. Автомат кир ювгич машинасига эга бўлган Тошкент қишлоқ фуқаролар йиғинидан Анора Қаршиеванинг қувончи чексиз. У энди бу ашё билан кир ювишга кетадиган вақтини тежаб, фарзандлари тарбиясига кўпроқ эътибор қаратишини айтди.

— Кичик қайнатгич — энг замонавий ошхона жиҳози, — дейди «Ғалаба» маҳалласидан Дилбар Иноятова. — Унда таом тайёрлаш жуда қулай. Зарур масаллиқлар солингач, истаган вақт муддатини танласангиз кифоя. Очиғи, жуда хурсанд бўлдим. Ахир, бу аёл учун энг муносиб туҳфа. Давлатимизнинг, хусусан, Президентимизнинг биз аёлларга эътибори, ғамхўрлигидан жуда миннатдорман.

Бири биридан қолишмайдиган турли замонавий маиший техника буюмларига эга бўлган мирзачўллик аёлларнинг кўзлари қувончдан порлайди, қалблари миннатдорлик туйғуларига тўла. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Қ.Абдуқодировнинг таъкидлашича, оилалар фаровонлигини оширишга кўмаклашадиган савобли амаллар бундан кейин ҳам давом эттирилади.




## Элчихона ёнида портлаш

**АҚШнинг Кобулдаги элчихонаси яқинида террорчилик хуружи содир этилган.**

«Agence France-Presse» маълумотига кўра, Афғонистон пойтахтида рўй берган портлаш оқибатида уч нафар НАТО аскари ҳалок бўлган.

Миналаштирилган машинани террорчи-худкуш бошқарган. Афғон полицияси маъмурларига кўра, хорижлик ҳарбийлар жангариларнинг нишонига айланган.

Мазкур ҳодиса юзасидан жавобгарликни Толибон ҳаракати ўз зиммасига олди.

## Автобус ҳалокати

**Туркияда содир бўлган йирик йўл-транспорт ҳодисаси 13 нафар кишини ҳаётдан олиб кетган.**

Бахтсиз ҳодиса оқибатида ўттиздан зиёд йўловчи оғир тан жароҳати олган. Антальядан 70 км. узоқликда автобус ағанаган ва сойга қулаган. Дастлабки тахминларга кўра, фожиага ҳайдовчининг ухлаб қолиши сабаб бўлган.



Бурдур музофоти расмийларининг маълум қилишларича, Афьонкарахисар шаҳри сартарошлари палатаси аъзолари ўтирган мазкур автобус Сиде курорт шаҳри томон ҳаракатланаётган эди.

## Манзилига етолмаган муҳожирлар

**Бортида тахминан 250 нафар ноқонуний муҳожир бўлган кема Ливия соҳилларида чўкиб кетган.**



«Reuters« ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, фожиа пойтахт Триполи шарқидаги Таджура шаҳри яқинида содир бўлган. Кемада кўплаб африкалик аёллар бор эди. Ҳарбийлар зўрға 26 нафар кишини қутқариб қолишган.

Ўрта Ер денгизида йирик кемаларнинг чўкиши билан боғлиқ ҳодисалар деярли ҳар ой кузатилади.

## Тўй чиқимлари ошмоқда

**Хитой давлати ривожланиб, халқи бойигани сайин кишиларнинг орзу-ҳавaслари ҳам шунга мос равишда ўзгармоқда.**

Айниқса, бу тўйларда кўзга яққол ташланаётир. «Осмонлар ости» мамлакатида ҳар йили ўн миллион ёш оила қуради. «Аждар юрти»даги тўй саноати қарийб 80 миллиард АҚШ долларига етай деб қолди. Бу жаҳондаги унча-мунча давлатнинг йиллик даромадидан бир неча баробар кўп, деганидир.

Бунинг боиси серчиқим маросим, тасвир ва урф-одатларнинг оммалашаётганида.



Мисол учун, яқинда шанхайлик Леми ва Вай-Вай сув остида аҳд-паймон қилишди. Бу тантана куёвболага қимматга тушди.

**Интернет материаллари асосида Р. НИЗОМОВА тайёрлади.**

ЭЙ СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР...

# Панжара ортига етаклаган жиноят

**Нафсга ружу қўйиш охир-оқибатда ғанимни дўстга айлантириши, ҳатто ўпқон мисоли кишини домига тортиб кетиши ҳам ҳеч гапмас.**

**Холбиби САФАРОВА**
**«Mahalla»**

Азимжон Жамолов айни пайтда нафақада бўлса-да, муқаддам ички ишлар тизимида ишлаган, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, айниқса, гиёҳвандлик иллати тўғрисида керагича маълумотга эга эди. Бироқ у нафс қутқусига учиб, гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишга берилиб кетди. Ана шу тубан қилмиши унинг ургутлик оғуфуруш Улуғбек Ҳамидов билан топишишига сабаб бўлди. У.Ҳамидовдан оғу олиб, истеъмол қилиб юрган А.Жалилов бу иллатдан қутулиш ниятида даволанди ҳам, аммо иродаси сустлик қилиб, «ҳунари»ни давом эттираверди. Бу куни А.Жалилов О.Мансуров, Ғ.Облоқулов ҳамда О.Ўринов каби ўзига ўхшаган нашавандлар билан ошно тутинди.

2013 йилнинг 4 апрель куни улфатлар «дори» қолмагани боис Ҳамидовга қўнғироқ қилишди. Нафақат бангифурушлик билан шуғулланувчи, балки ўзи ҳам гиёҳванд моддага ўрганиб қолган Улуғбек «мижозлар» ҳожатини чиқаришга шошилди. Бу «саховатпеша» гиёҳванд моддага сарфлаган харажатини оғуфурушлик орқали топадиган фойда ҳисобига қопларди. Кўза кунда эмас, кунида синиши рост экан, бу галги савдо «пишмай» қолди. У «Оқтош» йўл патрул хизмати ходимлари томонидан қўлга олинди. «Қассобга мой, эчкига жон қайғуси» деганларидек, Улуғбек энди сувдан қуруқ чиқишга уриниб, ҳамма айбни ҳамтовоғи О.Ўриновга ағдармоқчи бўлди. Бироқ О.Ўринов ҳам анойилардан эмасди, «ҳамкори»нинг ниятини пайқаб, ўзининг бошқарувидаги автомашинадан уни итариб юборди. Тан жароҳати олган Улуғбек шифохонага келтирилди. Бу ерда у ички кийими орасига яширган 5 грамм «қора дори»ни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига топширди.



Суриштирувлар жараёнида У.Ҳамидов ўз айбига иқрор бўлиб, 2011 йилдан буён А. Жамолов, Ш.Қурбонов, О.Ўринов, О.Мансуров ва Ғ.Облоқуловни гиёҳванд модда билан таъминлаб келганини тан олди.

У.Ҳамидовнинг рафиқаси Дилрабо Жалилова оғуфурушлиги оқибатида муқаддам судланганига қарамай қилмишидан пушаймон бўлмади, турмуш ўртоғининг жазога тортилганини била туриб кўзи очилмади. «Мижози» Ш.Қурбоновнинг қўнғироғи Дилрабонинг ўрганган кўнглини ўртаб юборди — аёл «буюртма»ни, албатта, топиб беришни ваъда қилди. Ш.Қурбонов эса бунинг эвазига турмуш ўртоғи Улуғбекни қамоқдан чиқаришга ёрдам беришини айтиб аёлни ишонтирди. Ёлғон ваъдага учган Д.Жалилова тезкорлик билан «харидор»га «мол»ни етказиш пайига тушди. Ургут туманидаги «Чеп» бозорига бориб «Эргаш бобо» исмли шахсдан 400 АҚШ долларига 10 грамм гиёҳванд модда сотиб олди ва Ш.Қурбонов билан Зиёвуддин шаҳарчаси автошоҳбекатида учрашишга келишди. Белгиланган жойда «харидор»га эмас, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига дуч келган «ҳожатбарор» яна «қора курси»га ўтирди. Ниҳоят инсониятни таназзулга етакловчи гиёҳвандлик иллати орқали бир-бирига боғланиб кетган кимсаларнинг қилмишлари фош бўлди. Одил суд томонидан уларга жазо тайинланди.

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: З.Ҳайитова
Нашр навбатчиси: Ф.Ҳамдамов

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Нашр кўрсаткичи: 148 20370 нусхада чоп этилди. Буюртма S-911 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00